

ЎЗБЕКИСТОН



ОҶОҶИ

ЎЖИМОЙ-
СИҶОСИ
ҶАЗЕТА

■ 2003-ҶИЛ ■ 8-ҶУЛ ■ ШЕШАНБА ■ 80 (27.100) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-йил 21-йундан чиқа бoшлаган.

МОҶ: САМАРАЛИ ҶАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҶАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҶБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ШУ ЙИЛ 5-6 ИЮЛЬ КУНЛАРИ АЛМАТИ ШАҶРИДА БҶЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари сарфар олдидан журналистларга берган интервьюсида таъкидлаганидек, бундан қарийб бир ярим йил муқаддам Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизда «Марказий Осиё Ҷамкорлиги» деган мутлақо янги шаклдаги демократик тузилма ташкил этилган. Иқтисодийта оид масалалар билангина чекланиб қолган илгариги иқтисодий ҳамжамиятдан фарқи ўлароқ, ушбу ташкилотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга аъзо бўлган мамлакатлар эндиликда нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, балки сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш учун пайдо бўлган янги имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

«Марказий Осиё Ҷамкорлиги» (МОҶ) ташкилотини тузиш юзасидан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари 2001 йилнинг декабрида Тошкент учрашувида эришган келишув 2002

йил февраль ойида Алмати саммитида расмий таъсис ҳужжати имзоланиши билан ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу ташаббус соҳиб Ислам Каримов ўшанда янги ташкилотга раис этиб сайланди. Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган даврда МОҶга аъзо мамлакатлар президентлари 2002 йил 6-7 июль кунлари Оқтовда (Қозоғистон), 5-6 октябрда Душанбеда (Тожикистон), 27 декабрда Остонада (Қозоғистон) учрашди.

Бу галги Алмати саммити мазкур ташкилот доирасидаги бешинчи олий даражадаги учрашув бўлди. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида, шунингдек, кенгайтирилган таркибдаги йиғилишда, аввало, «Марказий Осиё Ҷамкорлиги»нинг ўтган даврдаги фаолияти сарҳисоб этилди.

Анжуманда ташкилотга Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган ана шу даврда мамлакатларимизнинг муносабат-

ларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида салмоқли оқимлар кўйилгани таъкидланди. Давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларидан ташқари, Тошкент шаҳрида минтақа миқёсидаги ишбилармон доираларнинг бизнес-форуми, ташкилотга аъзо мамлакатлар парламентлари вакиллари йиғилиши ташкил этилди. Энг муҳими, ташкилотнинг нуфузи ва самарадорлигини ошириш учун ушбу минтақавий тузилма доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг амалий жиҳатлари ва тўлиқ ижросига алоҳида ургу берилди.

Музокаралар чоғида минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Президентлар халқроқ масалалар, уларнинг минтақа

мамлакатларига таъсири, ҳусусан, тинч ҳаётга қадам қўя бошлаган Афғонистондаги ўзгаришларнинг ижобий жиҳатлари, ушбу мамлакатга кўмаклашишда саяб-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳақида ўзаро фикр алмашди.

Ташкилот доирасидаги учрашувлардан бирида Ислам Каримов минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро теледеструлар намойиш қилиш тартибини илгари сурганди. Саммит яқунлари бўйича уюштирилган матбуот анжуманида Президентимиз бу борадаги ҳозирги вазият ҳақида гапираркан, жумладан бундай деди:

— Мамлакатларимиз халқларини теварак-атрофимизда ва биринчи галда, минтақада юз бераётган воқеалардан, янгиликлардан хабардор қилиш ҳақида кўп галларимиз. Аммо бу фикрни ҳаётга татбиқ этишга ҳозирча муваффақ бўлолмаямиз. Ваҳоланки, ахборот, факат хилис ахборотинога бир-бири-

мизни тўғри ва чуқур англашимиз учун имконият яратди.

Шу боис мазкур анжуманда ҳам бу борада амалий қадам қўйилди. Эндиликда ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакат телевидениеси ҳафтасига икки соатдан тегишли мамлакатлар телевидениеси кўрсатувларини намойиш этиб боради.

Ислам Каримовнинг таъкидлашича, ушбу қарор ахборот алмашиш борасида ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг дастлабки босқичидир. Келгусида бу жабҳадаги ҳамкорлик мамлакатларимизда ўзаро муҳбирлик пунктларини очиб ва бу соҳада мавжуд натижаларни изчил ривожлантириб боришдан бошлаб, минтақа мамлакатларининг биргаликда ер йўлдошидан унумли фойдаланишигача бўлган кенг қўламли ва узоқ муддатли саяб-ҳаракатларни қамраб олади.

(Давоми 2-бетда.)

Россия Федерацияси Президентини В.В.Путиннинг Ўзбекистон Республикасига амалий ташрифини кўчириш тўғрисида

2003 йил 6 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов билан Россия Федерацияси Президентини Владимир Путин телефон орқали сўзлашди.

Москва шаҳрининг Тушино туманидаги жожи-

али воқеалар ва бунинг оқибатида қурбонлар бўлган муносабати билан томонлар Россия Федерацияси Президентини В.В.Путиннинг Ўзбекистон Республикасига амалий ташрифини бошқа мuddатга кўчириш лозим, деган қарорга келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ИЧКИ БОЗОРНИ ЁҶОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ БИЛАН ТўЛДИРИШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҶРИСИДА

Уй-жой қурилишини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва республика қорхоналарининг ёғоч-тахта материалларига ва ёғочга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2003 йил 10 июлдан бошлаб:
 - юридиқ шахслар томонидан олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари ва ёғочга нол фоиз миқдориди импорт божхона божни ставкаси; экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи билан юридиқ шахс ташкил этмасдан яққа тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар учун тижорат фаолиятига мўлжалланган ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч олиб келишда ягона божхона тўловининг нол став-
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси республикага ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч олиб келишининг белгиланган тартибига юридиқ ва жисмоний шахслар томонидан қатъий риоя қилиниши, божхона расмийлаштирувнинг ва божхона тўловлари ўндиришининг тўғри амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун мuddатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин; икки ҳафта мuddатда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини У.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 июль

ДОЛЗАРЬ МАСАЛА МУҶОКАМАСИ

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ва мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида 1 июль кунини қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ ҳўжалигининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича комиссия ташкил этиш тўғрисидаги фармойишининг бажарилиши мувофиқлаштириш бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, қўмита, компания, уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва вилоятлар ҳўкимларининг биринчи ўринбосарлари, мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Т.Худойбергенов, С.Раҳимов, Бош вазир ўринбосари Р.Азимов иштирок этган йиғилишда таъкидлаганидек, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, жумладан, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни изчил амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида соҳада бошқарувнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган қонунчилик ва ҳуқуқий асосини яратиш, давлат мулкани хусусийлаштириш, қишлоқда иқтисодий ва аграр муносабатларнинг мутлақо янги шакллари жорий қилиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Бирок мазкур соҳа ҳамон иқтисодиётимизнинг нисбатан секин ўзгараётган жабҳаларидан бири бўлиб қолмоқда. Жойлардаги кўпчилик раҳбар ҳодимларнинг билим даражаси ва савияси ҳамон талабларига жавоб берамайди. Уларнинг аксарияти соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг асл моҳиятини ҳалигача тўла тушуниб етмаган. Бундан ташқари, тармоқда ўтмишдан мерос қолган маъмурий-бўйруқбозлик, расмиятчилик, боқимандалик, талон-торожиликка йўл қўйиш, тадбиркорлик ва фермерлар ҳаракатиноқ ноқонуний аралашши каби салбий ҳолатларнинг ҳамон сақланиб қолаётгани ачинарли ҳолдир.

Йиғилишда Президентимизнинг шу йил 24 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу асосда қабул қилинган ҳуқуқат қарори соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларга барҳам бериш, ислохотларни янада изчиллаштириш, бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш тизимини тўдан такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлгани алоҳида таъкидланди.

Ҳуқуқат қароридида белгиланганидек, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги фаолияти тўдан ўзгарилади. Бунинг натижасида тармоқлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ягона агротехника сиёсати юргизиш, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш замонавий кўриниш олади.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҶБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 8 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	665,39	1 Польша злотийси	251,67
1 Англия фунт стерлинги	1622,06	1 СДР	1369,81
1 Дания кронаси	150,19	1000 Туркия лираси	0,70
1 БАА дирҳами	265,24	1 Швейцария франки	721,05
1 АҚШ доллари	974,21	1 ЕВРО	1115,86
1 Миср фунти	161,03	10 Жанубий Корея вонини	8,28
1 Исландия кронаси	12,76	10 Япония йенаси	82,48
1 Канада доллари	728,22	1 Россия рубли	32,16
1 Хитой юани	117,70	1 Украина гривнаси	182,69
1 Малайзия ринггити	256,40		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Божхона ҶАМИША СЕРГАК ВА ҶУШЁР



Мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини асраш, қўтилмаганда юз берувчи кўнгилсиз воқеалар олдини олиш — бугунги кунда ҳар бир фуқаронинг ҳам инсоний, ҳам ватанпарварлик бурчи. Бу борада айниқса, божхона ҳодимлари зиммасига катта масъулият ю-

ланган.

Бухородаги «Олот» божхона назорат ўтказиш мажмуи ҳодимлари кундалик вазифалари қамрови ва масъулияти анча катта. Божхоначилар Ҷамиша ҳушёр ва сергак. Бу ерда юртимизга Эрон, Туркия, Покистон, Европа мамлакатлари ва

ҳолатлар бўйича маъмурий ва жиноий ишлар кўзғатилди. Олиб ўтишга уринилган ноқонуний товарлар белгиланган қонунларга кўра олиб қўйилди.

— Аслини олганда, суг бундай товарларни чегарада фақат ушлаб қолишда эмас, балки, ватандошларимизнинг моддий, маънавий ва ижтимоий турмуш тарзини ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш устида бораёпти, ахир.

ДОИМИЙ ЯРМАРКА

Андижон шаҳридаги марказий универсал дўкони атрофида республика энгил саноат қорхоналарида ишлаб чиқарилаётган спорт кийимлари ва анжомлари ярмаркаси ташкил этилди. Ярмарка мамлакатимизда болаларни спортга кенг элиш бўйича Президент кўрсатмаларини бажариш мақсадидаги амалий тадбирдир.

Ярмаркада мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 21 та акциядорлик жамияти 550 турдаги ўз махсулотини билан қатнашпти. Тошкентдаги «Малика», «Тонг», «Юлдуз» акциядорлик жамиятлари билан бир қаторда Андижон вилоятидаги қўллаб қорхона жамоалари ўзларида тайёрланган спорт кийимлари ва анжомларини харидорларга тақлиф этипти.

Шунингдек, ярмаркага қўйилган махсулотларни улгуржи сотиб олиш бўйича шартномалар тузилапти. Энг муҳими, мазкур ярмарка мавсумий эмас, балки йил давомида фаолият кўрсатади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪНАЛАРДА

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

ХАЛҚ БАНКИ

Суратларда: божхона назоратини ўтказиш мажмуидан лавҳалар.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Огоҳликка даъват

«ЭЙ, ОДАМЗОД, КЎЗИНГНИ ОЧ!...»

Ислоом КАРИМОВ:

«...Эй, одамзод, кўзингни оч, огоҳ бўл, бугун терроризмнинг даҳшатли қиёфасини англаш вақти етди...»

(2001 йил 26 сентябрь. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқдан.)

Москвада содир этилган террорчилик ҳаракатидан сўнг кўпчилик эътибори яна шу бало-қазога қаратилди. Яна одамлар бир-бирларига савол бера бошлади: «Шу билан улар нимага эришмоқчи?», «Бегуноҳ одамлар уволдан қўриқмайдими?», «Бу қон тўкишлар гуноҳи азимдан бошқа нарса эмаслигини наҳот тушунишмас?»

Улар буни тушунишмайди. Улар топшириқни бажарувчи манкуртларга айланган одамлар. Улар ортида катта ёвуз кучлар бор. Фақат буни ҳаммамиз англаймизми, ҳаммамиз бундан огоҳмизми?..

Ҳаётда ҳар хил офат ва фожиалар бўлиши табиий, лекин террорчилик келтирадиган хунрезликни ақлга ҳам, тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмайди. Шу жihatдан ҳам террорчилик ҳаракатларининг оқибатлари олдида бутун бошли халқлар, қатъи ақли, Россия каби дунё сий-сатиди катта мавқега эга давлатлар ҳам, таъбир жоиз бўлса, шошиб қолдилар. Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида, Истанбул саммитида ва бошқа қатор халқаро нуфузли анжуманларнинг миёнларидан туриб, халқаро терроризмдек даҳшатли бир кўнлакка бостириб келлаётганидан дунё ахлини неча бор огоҳлантирган бўлса-да, баъзилар кулоқ солмагандек бўлишди. Қачонки, кўнлак сояси ўзларининг бошларига тушгандагина террорчилик инсоният учун мислсиз қулфатлар касби етдилар. Ана шундан сўнг даҳшатли бало-ю қазога биргаликда ку-

рашиш вақти-соати етганлигини ва бу курашдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмаслигини тушуниб олдилар.

Эсингизда бўлса, Президентимиз Истанбул саммитида БМТ қотида антитеррористик марказ ташкил қилиш ва бу марказни маблағ билан таъминлаш, унга тегишли ваколат ва ҳуқуқлар бериш масаласини ҳам ўртага қўйганди.

Ўртбошимизнинг ташаббуслари мана энди-энди тан олинди, кўзи очилган давлатлар бири-биридан ўчиб турли тақлифлар билан чиқмоқдалар. «Халқаро марказ» тузиш ҳақидаги тақлиф ҳам амалга ошди. Республикамиз халқаро коалиция таркибига кирди. Ўзбекистон билан Америка ўртасида 2001 йил 7 октябрда Халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш борасида ҳукуматлараро Қўшма Баёнот (битим) имзоланди ва ҳоказо, ҳоказо-...

Бундай мисолларни кўпайиб келтириш мумкин. Хусусан, республикамиз Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига «Терроризмга қарши курашда бирдам бўлайлик!» деган мурожаати (2001 йил 7 октябр) эълон қилинди.

Ҳозир, афсус, аниқ эсимда йўқ, бир асар қахрамони тахминан шундай дейди: азизим, ҳаёт урушдаги жанг майдони, жангда ягона қонун бор: лалайма, эснама, сергак бўл... Шу маънода, огоҳлик борасида ҳам, наздимда, ҳар бир фуқаро: қиз-у йигит, аёлу эркак, ёшу кекса лалаймасдан, эснамасдан, сергак ва зийрак бўлмоғи керакка

ўхшайди. «Ҳарбийда аскар бор, сарҳадда чегарачи, кўча-кўйда милиция..., менга нима», — деб ўтирсак жамиятнинг ҳоли нима кечади?! Фикримни тўддириш учун содда, фўн бир мисол: уй ёнапти... Атрофда уч-тўрт киши: бири «сув сепса ўчади» деса, бири «қўм сочиш керак» дейди. Учинчиси «қўпик сочган маъқул» деса, яна бири: «ўт ўчирувчини чақириб керак, бу уларнинг иши» дейди. Уй эса ҳамон ёнапти. Тақлифдошлар гўё томошабин-у бири-бирига маслаҳатчи. Ҳолбуки, улардан бири қўлга челақ, бири белкуррак олса, ёки 01 га кўнгирак қилса, ёнгин тезроқ ўчади-ку... Қиссадан ҳисса, зийраклик билан иш тутилса, шунинг ўзи ОГОҲЛИК!

Уч кўнча олдин Остонада Марказий Осиё давлатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикалари раҳбарларининг навбатдаги учрашувида ҳам иқтисодий ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорлик билан биргаликда қарши курашиш масаласи кўндаланг қўйилгани боиси шундай!

Эсингизда бўлса, Ўртбошимиз 1999 йил 18 декабрда Фарғона вилояти сайловчилари вақилири билан учрашувида сўзланган нутқидан шундай деганди: «...мен сизларни бир лаҳза, бир сония ҳам огоҳликни йўқотмасликка, хоҳ иш жойида бўлсин, хоҳ оилада, кўндalik турмушда амалий ишларингиз, ўз шахсий намунангиз орқали мамлакат ҳавфсизлигини, жамиятимиз ва давлатимиз барқарорлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшишга чақираман».

Бу сўзлар нақадар долзарблигини бугунги кун ҳам исботлаб турибди.

НОМОЗ САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

— Янги раҳбардан янги иш юришти, ўзгаришлар кутилади. Сиз раҳбар сифатида ишни нимадан бошладингиз?

— Ўзингизга маълум, вилоят «Автотехизмат» ҳиссдорлик жамияти вилоятимиз аҳлига «УзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган автомобиллар савдоси ҳамда сифатли техник хизмат кўрсатиш борасида фаолият юритади. Бу иш эса бозор қонунларини ўрганиши талаб этади. Шу боис дастлаб ишни вилоят ахлининг автомобилларга бўлган эҳтиёжини ўрганишдан бошладик. Натижа эса ёмон бўлмади. Автомобиллар сотиш, уларга техник хизмат кўрсатиш суръати сезиларли даражада ўсди.



ЮТУҚЛАР КАЛИТИ — МЕҲНАТДА

Сухбатдошимиз — Сурхондарё вилоят «Автотехизмат» ҳиссдорлик жамияти раиси Баҳром ШАРИПОВ



Келинг, буни аниқ мисоллар билан исботлайлик. Утган 2002 йилнинг биринчи чорагида атиги 41 та автомобиль сотилган бўлса, 2003 йилнинг биринчи чорагида 179 та автомобиль сотилди. 2003 йилнинг II чорагида эса 422 та автомобиль 3 миллиард 214 миллион 913 минг сўмга сотилди.

— Албатта, бу ютуқлар қувонарли. Лекин сиз раҳбарлик қилаётган жамиятда ҳиссдорларнинг улушлари ҳам бор. Демак, олинётган даромаддан уларнинг ҳам манфаатдорлиги бўлиши керак...

— Таъкиднингиз ўринли. Ҳиссдорлик жамиятининг 16 минг 564 дона акцияси 140 нафар ҳиссдор томонидан сотиб олинган. Йил якуни бўйича соф даромаднинг маълум миқдори акциядорларга дивиденд тарикасида берилди. 2003 йилда соф даромад миқдорини яна кўпайтириш ниятимиз бор. Демак, ҳиссдорлар ҳам кўпроқ манфаат кўрадилар.



— Автомобилларни кредитга сотиш ҳам миқозлар учун қулайлик туғдирди, шундай эмасми? — Ҳақиқатан ҳам автомобилларни кредитга сотиш жорий этилган кундан кундан бошлаб шахсий машина эгаси бўлишни хоҳлаган миқозлар сони кескин ошиб кетди. Автомобиллар савдосини ошириш ва аҳолига енгилликлар яратиш мақсадида «Асакабанк», «Уй-жойжамгармабанк», «Тадбиркор-

ПОЕЗД ЙЎЛГА ЧИҚАДИ

«Экосан» халқаро хайрия жамғармасида Обод маҳалла йиллиги бағишланган йилги бўлди. «Экосан» — маҳаллада мақсадли дастурининг биринчи ярим йилликдаги ихроси, Оролбўйи минтақаси маҳаллалари аҳолисига бегараз ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.

19 июль кун «Экосан» саломатлик поездеи йўлга чиқши эълон қилинди. Йилгида қайд этилишича, дастурнинг 57-бандини амалга ошириш бўйича экологик нуқулай минтақаларда яшовчи аҳолига 101 миллион 700 минг сўм миқдорда инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилган. «Экология ва саломатлик кўнлари» қўриқ-танловиги гоилибли эълон қилинди. Туман ва шаҳарлар орасида Наманган вилоятидаги Давлатобод тумани, корхона ва ташкилотлар орасида Хоразм вилояти Хива шаҳридаги 10-болалар богчаси гоили деб топилиди. Давлатобод туманига 1 миллион, 10-болалар богчасига 300 минг сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиладиган бўлди.

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги «Роғузор» маҳалласи «Энг обод маҳалла» республика экологик қўриқ-танловининг «Наврўз» босқичи гоили деб топилди ва маҳалла 5 миллион 500 минг сўм миқдордаги пул муқофоти билан тақдирланганлиги маълум қилинди.

Обод маҳалла йилининг биринчи ярим йиллиги давомида жамғарма ва унинг худудий бўлимлари томонидан қарий 167 миллион 600 минг сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Ийгиликда жамғарма таъсисчилари, бир қатор вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбар ва вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этиди.

Севара ЖУМАОБОВА

ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

Кўни кеча Тошкентдаги Мирзо Улугбек номидаги технология касб-ҳунар коллежида ўқув даргоҳини муваффақиятли якунлаган 126 талабага тантанали равишда диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Коллежимиз кўп тармоқли, — дейди ушбу маскан директори, профессор Ашраф Эминов. — Бугунги кунда дон, нон, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жиҳозларини таъмирлаш усталари, ҳисобчи кадрлар тайёрлаб бераймиз. Бундан ташқари, талабаларга турли маҳсулотлардан консерва тайёрлаш технологияси ўргатилмоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, ёниги-мойлаш материаллари технологияси бўйича ҳам мутахассислар тайёрланади.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ



London шаҳри кўриниши

Тафсилот

ТУШИНОДА ТЕРРОРЧИЛИК АКТИ

СОДИР ЭТИЛДИ

Яқин турган 3 киши эса яраланди. Бу пайтда аэродромнинг ёзги майдонида «Король и шут» гуруҳи концерт бераётган, 20 мингдан ортиқ томошабин йиғилганди.

Одамлар ваҳимага тушиб, оммавий тартибсизлик юз бермаслиги учун концерт давом эттирилмади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳодимларининг аниқлашича, террорчи-комикадзе 500 грамм тротил портловчи «қурилма»сини белига боғлаб олган, лекин у 100 фоиз портламаган. Шунинг учун ҳам атрофдагиларга кўп зиён етмаган.

Иккинчи портлаш аэродромга яқин жойдаги бозорча ёнида юз берди. Айнан шу ердан кўплай концертга келувчилар ўтаётганди. Бу портлашни содир этган террорчида ҳам 500 грамм тротил бўлганлиги аниқланди. Портлаш оқибатида 13 киши шу заҳоти ҳаётдан кўз юмди. Яна бир киши эса шифохонага олиб



кетилган. Ўша вақт эвди. Барча яраланганлар (38 киши) «тез ёрдам» машиналарида шифохоналарга олиб кетилди. 20 кишига эса ўша ернинг ўзидя тиббий ёрдам кўрсатилди.

Аёл-камикадзе ёнидан унинг پاسпорти топилди: 20 ёшли бу аёл Элихўжаева Зулехон Сулеймановна бўлиб, Чеченистоннинг Курчаловск туманидан экан.

«Газета.Ру» муҳбирининг хабарига кўра, аэродром майдонидаги рок-фестиваль кечки соат 20.00 гача давом эттирилган. Концерт давомида томошабинлар аста эвакуация қилинган: 200 та автобусда кечки соат 22.00 гача одамлар «Динамо» метро станциясига ташилди.

Портлаш юз бергач, аэродром, Тушино метро станцияси, бозорча ва шу атрофдаги худудлар тўлиқ ўраб олиниб, ҳаракат тўхташилди. Бу операцияда милициянинг 1,5 миң ходими, 200 нафар ОМОНчи катнашди.

Россия ички ишлар вазири Борис Грызловнинг таъкид-

лашича, аэродром майдонига кираверишда барча ташриф буюрувчилар қаттиқ текширилганлиги учун ҳам террорчи-камикадзега йўлдак портлаш содир этишга қарор қилинган. Бу эса қурбонлар сони бир қадар кам бўлишига олиб келди. Худо кўрсатмасин, улар 20 миңлик томошабинлар орасига кириб қолса нима бўларди?

Ҳозир Москва милицияси кучайтирилган тартибда хизмат олиб бормоқда. Шаҳар ички ишлар бошқармаси, прокуратура, хавфсизлик хизмати федерал бошқармаси ҳодимларидан иборат жанговар штаб текшируви давом эттирмоқда. Москва прокуратура

раси «терроризм» ва «қасддан одам ўлдириш» фактлари бўйича жинойи иш кўзгади. Федерация Кенгаши спикери Сергей Миронов макур воқеани шарҳлар экан, куйидаги фактга журналистлар эътиборини қаратди, яъни террорчилик акти Чеченистонда президентлик сайловлари ўтказиладиган муддат белгиланган куннинг эртасига содир этилди. Шунингдек, Россия давлат думаси раиси Геннадий Селезнев ҳам Шимолий Кавказдаги вазиятни тинчлик йўли билан ҳал этиш мақсадида Чеченистон Республикасида 5 октябр президентлик сайловлари кўни

эти белгиланиши, бу худудда тинчликни хохламаётган кучларнинг қаршилигини келтириб чиқарди, дея ҳисобламоқда.

Президент Путин террорчилик актида қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чукор кайғу билан ҳамдардлик билдирди. Шунингдек, у хорижий давлатларга белгиланган расмий ташрифларини ҳам бекор қилди. Жумладан, Владимир Путин 6 июлда Ўзбекистонга ташриф буюриши керак эди. Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов билан телефон орқали суҳбатда ташриф қолдирилишини маълум қилди. Уз навбатда Ислоом Каримов вазиятни юракдан чукор хис эътиборини кўриб, фожиа қурбонларининг оила-аъзолари ва яқин қариндошларига чукор ҳамдардлик билдирди.

Яқинба кўни кечкурун эса Россия Президенти Маляйзия бош вазири билан ҳам телефон орқали суҳбатлашди ва Куала-Лумпурга ташриф қолдирилганлиги маълум қилди. У Ўзбекистонга ташрифдан сўнг Куала-Лумпурга учиб кетиши керак эди.

Тушинодаги террорчилик акти ҳамшира хушёр бўлиши мизини, терроризмга қарши курашни бир зум ҳам бўлаштириш мумкин эмаслигини яна бир бор исботлади.

Алиаккул СУЛТОН

ТОЖИКИСТОН ШИМОЛИДА ФАВКУЛОДДА ҲОЛАТ


Тожикистон шимолидаги Панжикент туманида сув тошқини қайта юз бериши мумкинлиги муносабати билан фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Интерфакс»га маълум қилишича, тоғларда юз берётган кучли ёмғир ва қор-

нинг тез эриши оқибатида маҳаллий дарёларда сув сатҳи кўтарилиб бормоқда. Бу эса Панжикент қишлоқлари ва коммуникация тармоқларини яна бир бор хавф остида қолдирмоқда. Шу ваҳдан ҳам бу ерда махсус постлар ташкил этилди, эвакуация комиссияси тайёр ҳолга келтирилди, минг

кишилик чодирли лагер ҳозирлаб кўйилди. Маълумки, шу йил 7 июнь кўни Панжикентда сел келиши оқибатида 4 киши оламдан кўз юмган, 200 киши эса уй-жойсиз қолган эди. Ушанда бу табиий офат мамлакатга 1,5 миллион долларлик зарар келтирганди.

ДИҚҚАТ: ЯНГИ САЙЁРА!



Буюк Британия, Америка ва австралиялик олимлар айнан Юпитерга ўқшаш янги сайёрани кашф этдилар. У Қуёш тизимини эслатувчи юлдузлар орбитасида бўлиб, Қуёш тизимидан 95 ёруғлик йили масофада жойлашган. У худди Юпитерга ўқшай, ўз орбитасида айланади. Оғирлиги эса Юпитердан 2 баравар ортки, Астрономларнинг тахминича, унинг тизимда ерга ўқшаш майда сайёралар ҳам бўлиши мумкин.

Бу сайёра жанубий Ўёлсдаги (Австралия) Америка-Австралия телескопи ёрдамида аниқланди, дея хабар беради «Интерфакс».

Муқаддас қадамжолар

МЕҲР-МУҲАББАТ РАМЗИ


Маълумки, Бухорои шариф аз алдан номин етти иқлимга кетган буюк алломалар, олим уфзалолар юрти сифатида шарафлиб келинган. Бу кўна замин исломий маданиятнинг буюк намояндalари — Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби қатор фарзандлари билан фахрланади. Оламро машҳур нақшбандия тариқатининг асосчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 685 йиллиги ҳам шу йил нишонланади. Тўй эса тадориксиз ўтган эмас. Айниқса, қогонликлар ватандошлари ҳилқат топган зиёратгоҳи янада обод этиш йўлида ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, зиёратгоҳ бундан ўн икки йил илгари қаровсиз, хароба ҳолда эди. 1993 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан ҳазратнинг 675 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Шу тўй шарофати билан муқаддас қадамжолар баҳори қудрат таъмирланганди. Амалга оширилаётган ободончилик

қаддас жой саналади. Қайта таъмирлаш ишлари давом этаётган бир пайтда ҳам бу ердан зиёратчиларнинг қадами аригани йўқ. Келган меҳмонлар қурувчилар меҳнатини қўриб, Нақшбандия тариқати асосчиси бўлган ватандошимизнинг «Даст ба қору дил ба ёр» — «Қўлинг ишда, дилинг Аллоҳда бўлсин» деган ҳикматли

нинг руҳи бизга мадад беряпти чоғи, ишимизда олдинга силжиш, унум сезилапти. Устамиз Қаюмжон Тожибоев, Азиз Аҳмаджонов билан бу масканда меҳнат қилаётганимиздан фахрланамиз. Пойтахтдаги «Қадрияттаъмир» уюшмаси ҳам кўна обидани қайта безаш ишларида иштирок этапти. Уларнинг ёнгинасида эса «Бухороқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 10-қурилиш-монтаж фирмаси бунёдкорлари 14 устунли, миллий маъморий ечимдаги янги айвонни тиклашмоқда. — Бу ерда 100 киши ишлаяпти, — дейди жамиятнинг бош муҳандиси Маҳмуд Қодиров. — Вақт тизилганини инobatта олиб, иш суръатини

этяпмиз. Туман ҳокимининг муовини Ҳамид Ҳикматовнинг таъкидлашича, ўтган давр ичида Бухоро аэропортидан зиёратгоҳгача қарийб саккиз километрик йўл кенгайтирилиб, атрофи ободонлаштирилган, ёриткичлар ўрнатилган. 5 гектарлик янги мевазор боғ барпо этилган. Ҳозир эса зиёратгоҳнинг қўйи томонида қадимий меъморчилик андозалари асосида иккита дарвоза барпо этилмоқда. Маҳмуднинг қибла томонидан қадимда 3 та дарвоза орқали қирилган. Айни пайтда дарвозаи Диловар тиклаб бўлинди. Дарвозаи Тоқимёна, дарвозаи Боби Саломда ишлар кетаяпти. Бунда Олим Абдиев, Қурбон Абдуллаев, Карим Турбон, Исоқ Обидинов, Исмаил Ашуров каби ўнлаб қўлигул усталар жонбозлик кўрсатмоқдалар. — Бу усталаримиз қўлидан ҳамма иш келади, — дейди Уста Ширин Муродов номидаги масъулият чекланган жамиятнинг махсус илмий таъмирлаш бошқармаси бош муҳандиси Маҳмуджон Сафаров. — Бухоро ҳукмдорлари авлодлари кўмилган даҳмаларни ҳам, мадрасалардаги таъмирлаш ишларини ҳам улар бажаришмоқда.



ишлари ажодларимизга бўлган ишонч, эътибор, меҳр-муҳаббатнинг қайта тугилишидан дарак беради.

— Орадан ўн йил ўтиб, яна Президентимиз ташаббуси билан пир уюшмаси зиёратгоҳини таъмирлаш ва кенгайтириш зарурлиги таъкидланди, — дейди Коган тумани ҳокими Карим Ҳайитов. — Очиги, бундан биргина биз эмас, балки бутун мусулмон оламиндан зиёратта келаётганлар ҳам мамнундилар. Ҳозир бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида бутун вилоят аҳли иштирок этапти.

Ҳа, Президентимиз кўрсатмалари асосида дунё нигоҳидаги қадимжолар — Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг янги босқичи бошланганига ҳам, мана, қарийб тўққиз ой бўлди. Бу қисқа вақт ичида улғу бобомизнинг муқаддас қадамжолари янгица қиёфаси касб этди.


— Ҳукуматимиз томонидан белгиланган бу хайри тadbирлар бухороликлар руҳий мадад бўлди, — дейди Баҳоуддин Нақшбанд жомеъа масжиди имом хатиби Бобоҷон Раҳмонов. — Тан олимимиз керакки, бу зиёратгоҳ жуда му-

сўзлари аҳли инсонни диёнатга, ҳалол меҳнатга мудом даъват этиб турганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилмоқда.

Зиёратгоҳдаги кенг қўламли ишлар билан танишарканмиз, диққатимизни Абдулҳаким Қўшбеги масжидида ишлаёт-

пасаитирмасдан ҳамжиҳатликка интиляпмиз. Ҳали айвон битганда кўрасиз қурилган иморатнинг эҳисси билан уйғунлашганини.

— Мен худди шу ерда — бобомиз таваллуд топган Қасри Орифон қишлоғида туғил-



ган усталар тортди.

— Биз учаламиз Қўқондан келдик, — дейди нақшбанд уста Ғиёсбек Галиев. — Ушбу масжидни нақшлар билан безаб, қадимий асл ҳолига келтиряпмиз. Улғу бобомиз ҳақида адабиёт дарсликлариди ўқиган ва унинг зиёратгоҳи ҳақида эшитган эдик. Мана бугун у кишининг макбараси рўпарасида ишлаяпмиз. У зот-

ганман, — дейди Бухоро минтақавий темирйўл узели қурилиш бригадаси мутахассиси Рустам Амонов. — Катта хашардан четда туриш ярашмайди. Шу боис қишлоғимизда бу савобли ишга ҳисса қўшиш ниятида 25 кишилик бригада тузиб ишга отландик.

Ҳозир 112 метри Раҳрави дароз йўли атрофида харсанг тошлардан деворлар барпо

Хабарингиз борми?

Шу кунларда босмадан чиққан «Мулоқот» журналининг янги (май-июнь) сони ҳаёт учун барокот келтирадиган омилларнинг бири бўлган ҳунарга, яъни республикамиздаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими равнақига бағишланади. Журнал «Муҳаррир минбари» рук-

Адабиётшунос олим А. Абдуллаевнинг «Илоҳий дўстлик» мақоласи ўқувчиларга буюқ сиймоқлар Навоий ва Жомий ўртасидаги яқинлик борасида қизиқарли маълумотлар беради. Маълумки, жамоатчилик Фафур Фуломнинг 100 йиллигини



«МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

нидаги «Келажак ёшларники, ҳунарники» мақоласи билан очилади. Касб-ҳунар ўрганаётган сурхондарёлик устозлар ва шогирдларга сўз берилади.

Мавзуну Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи, физика-математика фанлари доктори, профессор Абдуҳалил Мелиқуллов давом эттиради. Академик лицензия бўлими мудири Норбой Султоновнинг «Тарбия — мураккаб жараён» мақоласида муаммоли, мулоҳазали масалалар ўртага ташланган. Сурхон воҳаси ёшлари эгаллаётган қизиқарли ва муҳим касблар борасида бир қатор мутахассисларнинг мақолаларига кенг ўрин ажратилган.

кенг нишонлади. Журналда ушбу санага бағишланган адабиётшунос олим С. Мирзаевнинг шоир тўғрисидаги «Бу умр боқийдир» мақоласи эълон қилинган. Давлатмурод Саъдуллаевнинг «Номимизга доғ тушмасин» сарлавҳали публицистикаси журнал илхосмандлари учун ўзига хос тўғрисида.

Ушбу сонда академик М. Шарифхўжаевнинг кейинги йилларда нашр этилган иқтисодиётимизнинг муҳим муаммоларини ўзда акс эттирган китоблари тўғрисида М. Эрабобоев ва Т. Дўстқоновнинг «Тафаккур ва ҳаёт уйғунлиги», олимлар Х. Самиев ва Ш. Ширинбоевнинг «Обод маҳалла йили»га бағишланган «Маҳалла — тарихий хотирани тарбиялаш

маскани», шунингдек, оила тўғрисида баҳс юритган педагог Турсунбой Султоновнинг «Табиати шох асарини», Э. Исмаиловнинг «Бир ёниб ўчган шам» мақолалари ҳам журналхонларга бир олам маънавий-руҳий озук беради.

Шеърят илхосмандлари шоир Назарматнинг янги шеърлари билан танишадилар.

«Мулоқот» дафинасида бу гал оилада туғилган бола билан боғлиқ маросимлар, иримлар ва чўп таъбининг хосиятлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилади. Журнал зарварларидан Сурхондарё вилояти коллежлари ва академик лицензия ҳаётидан суратли лавҳалар ўрин олган. Назоқат УМАРОВА

Футбол

ОРАЛИҚДАГИ ТАНАФФУС

Олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон XII миллий чемпионати биринчи давра ўйинлари якунланди. Дастлабки давра якулини бу йилги мавсум учрашувлари ҳар қачонгидан да мurosасиз ва кескин курашларга бой ўтаётганини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда муҳлислар мавсум бошидан бошлаб чемпионатда «Пахтакор»нинг қарвонбошлик қилишига ўрганиб қолишганди. Бир неча йиллик танаффусдан сўн «Нефтчи» футболчилари бу аъванани буздилар. Агар фарғоналиклар қолган учрашувларни ҳам шундай кутаринки руҳда давом эттиришса, амалдаги чемпион — «Пахтакор»га ўтган йилги натижани кайд этиш мушкул бўлади. Чўни тақвим бўйича мамлакатнинг етакчи жамоалари чемпионатда иккинчи мартаба Фарғонада ўзаро баҳс юратади. Биринчи даврада Тошкентда ўтган йилги пахтакорчиларнинг кичик (1:0) ҳисобда галаба қозонганлиги эса уларнинг сафардаги ютуғи учун қафолат бўла олмаслиги аниқ.

«Сурхон» футболчилари қайд этаётган натижалар кўпчиликини қувонтирмақда.

Авалги чемпионатларда хувиллаган ўйингоҳда тўп сурган «Дўстлик» футболчилари ҳам ўн иккинчи мавсумдан ҳақиқий ишқибозлари олдида ўз маҳоратларини намойиш қилиш бахтига мушарраф бўлдилар. Улар тақвимга кўра, ўз майдонда ўтадиган барча ўйинларни Ангрен шаҳрида минглаб муҳлисларнинг олқишлари остида ўтказмоқда. Бу эса ёш мураббий Нўмон Ҳасанов шогирдлари янада ғайрат-шижоат бахш этаётгани шубҳасиз.

Мавсум бошида «Насаф»ни мағлуб этиб шов-шув

кўтарган «Цементчи» бош мураббийи муҳлислари жамоанинг кучлилар сафиди мавқеини сақлаб қолишига ишонтирмақда. Бунга умид қилса бўлади. Чўнки биринчи давранинг охириги икки турда қувасойликлар «Пахтакор» ва «Сурхон» билан бир хил — 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаб, мураббий сўзларининг шўнчаки эмаслигига ишора қилишди. Аммо ўзбек футбол ватани саналган — Қўқон футболчиларига мавсумнинг иккинчи қисми жуда қийин бўлади. Негаки, «Қўқон-1912» жамоаси иқтисодий қийинчиликлардан қўлула олмаяпти. Иккинчи давра баҳслари эса 2 августда бошланади. Эркин ХОЛБОБО

Биринчи даврдан кейинги вазият

Table with 7 columns: Team, Goals, Assists, Cards, etc. for the first round of the tournament.

Ҳикматли сўзлар маъноси

ЁМОН КЎЗДАН ЙИРОҚ БЎЛ

Халқнинг дунёқарашда қадимий даврлардан буён сақланиб келган эътиқодий тушунарлар, ирим-сирим ва расм-русумлар билан боғлиқ. Вар: «Ёмон кўз тошини ёрар»; «Сўзлаганинг сўзига, кўзлаганинг кўзига, қайтиб келсин ўзига»; «Бетлаганинг бетига (бор)»; «Кўзлаганинг кўзига (бор)»; «Кўнгли ёмонга бор, Кўзи ёмонга бор»; (Кейинги ун мақолини исирик солганда айтардилар). Халқ ўртасида: «Баъзи одамнинг кўзи тегадиган бўлади», деган эътиқодий тушуна бор эди. Халқ ўртасида юрадиган айрим афсоналарда тасвирланган: шундай «ёмон кўзли» одам бир назар ташлаб, «у-хў, иморатингиз ҳам битиб қолибди-ку» деса, у етти қадам нари босмай, иморат ағдарилиб тушади; «отни зап семиртириб боқибсиз-да» деса, у кетгандан кейин отнинг «ёмон кўз» назар ташлаган тарафи эриб, оқиб кетади; «Вой-бўй, манави боланинг кўзи қоралигини қаранг-а» деса, боланинг икки кўзи оқиб тушади; «узун зап қилибди-да» деса, бутун ток сўлиб, таг-туғи билан қуриб қолади; «ёмон кўзли» одам тегирмонга ҳавас билан боқиб мақтаса, унинг тоши тарс ёрилиб, икки бўлиниб кетади ва ҳоказо. Шундай офатларга йўлқимаслик учун, унинг олдини олиш максатидида кишилар турли ирим-сиримлар қилишарди. Масалан: «ёмон кўз тегмасин» деб болаларнинг бўйига, қўлига қўзғунчоқ тақиб қўйишар; экин-тикинга, мевали дархатларга исирик, қақир тиканак боғлаб ёхуд молнинг қалла суягини, тапписини, отнинг тақасини осиб қўйишар; «ёмон кўзли» одамнинг қауш патагидан кесиб олиб, уни сувга солиб, эзиб, болага, отга, сизирга ичиришар эди ва ҳоказо. Юқоридаги мақолда «Ёмон кўздан йироқ бўл» дейилишининг боиси ҳам ана шунда.

Болалар спорти

ОРОЛ ҲУДУДИ ЁШЛАРИ САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

ёки қорақалпоқ ўғил-қизларининг спортга қандай жалб қилинаётгани хусусида

— Туманимизда 72 мактаб бўлиб, унга 255 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси жалб қилинган. Улардан 49 нафар олий, 206 нафар ўқитувчи эса ўрта махсус маълумотга эга, — дейди Ҳўжайли туман «Ёшлик» спорт жамияти раисининг ўринбосари Аминбой Худойберганов. — Мактабларда 27 та спорт зали, 42 та футбол, 28 та мини-футбол, 70 та волейбол, 53 та баскетбол майдончалари бор. 1-4 синфларда 12 минг 724 нафар бола билим олаётган бўлса, 5-6 синфларда 18 минг 875, 10-11 синфларда 3927 нафар ўқувчи ўқимокда. 8277 ўғил-қиз спортнинг тўққиз турига жалб қилинган. Албатта, болалар спортини алоҳида эътибор берилаётгани яши. Аммо биз спорт усқуналари, кийим-кечаклари ва жиҳозлари етишмаслигидан бироз қийналяпмиз.

Чимбой туманида ҳам болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабларда 145

спорт майдончаси, 25 спорт зали мавжуд. 1-спорт мактаби, 14-мактаб базасида кураш, шахмат, волейбол, футбол, теннис, 2-спорт мактаби базасида қўл түпи, баскетбол, футбол, стол тенниси билан шуғулланган шaroит бор. — Полвонларга 215 минг сўмлик кийим-бош, 300 минг сўмлик спорт кийимлари ва бокс жиҳозлари олиб берилди. Бокс залига ринг ўрнатилди ёрдам кўрсатилди, — деди спорт мактаби директори Кенесбой Болтаиёзов. — Кейги йил туман ҳокимлиги туман маркази ва Халқобода спорт ком-

плекси қурилишини, футбол майдончаларини таъмирлаш каби ишларни бошлаб юборди.

Қани энди, Нукус шаҳрида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. 21-, 22-, 23-, 24-, 25- каби микрошаҳарчаларда 4-5 қаватли ўй-жойлар қўп, аммо улар олдидаги майдончалар қаровсиз.

— Эшигимиз олдида болалар ўйнайдиган майдонча бор эди, — дейди нафақаҳўр Гулистон Нуриимбетова. — Бир пайтлар спорт жиҳозлари ҳам етарли эди. Ҳозир шулардан биттаси ҳам қолмади.

Биз Нукусда болалар спортини ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини яратиш, мактаблар ва мактабгача тарбия болалар муассасаларида жисмоний тарбия ишлари қандай йўлга қўйилгани ҳақида билиш учун Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари А.Норимбетовага мурожаат қилдик.

— Болалар оммавий спортини ривожлантириш, замонавий спорт комплексларини вужудга келтиришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарин органлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда иш-

билармонлари кенгроқ жалб қилиш мақсада мувофиқ бўлади. Ҳозир шаҳардаги 46 та маҳалла фуқаролари йиғинларидаги 17 ёшгача бўлган ўғил-қизлар рўйхатга олинган. Мактаблар, коллежлардаги спорт заллари майдончаларининг ҳолатлари ўрганилмоқда. 21-мактабда кураш, дзюдо, қўл түпи, 5-мактабда каратэ, 16-мактабда кураш секциялари ташкил қилинди. 27-сон маҳалла ҳудудида болалар спорт майдончаси учун ўрин ажратилди. Нукус шаҳридаги «Турон» стадионини таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Республикада яна 177 спорт зали ва 466 спорт иншоотлари барпо этиш режалаштирилган. Маҳаллаларда оилавий спортни оммалаштириш, шаҳар ва қишлоқларда соғлом оила мусобақаларини ташкил этиш, ёшларни спортга кўпроқ жалб қилиш бўйича режалар ишлаб чиқилган. Жамғарманнинг туманлардаги етакчи мутахассислари Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси билан бирга мавжуд спорт иншоотларини инвентаризациялаш ишларини амалга оширади. Болалар спортини ривожлантириш фақат тегишли ташкилотларнинг эмас, балки кенг жамоатчиликнинг фаоллигига ҳам боғлиқ.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти «Ўзғойтамаки-саноат» уюшмаси раиси, ХДПнинг Олий Мажлисидаги фракцияси аъзоси М.Б.Худойберганов насаи НАЗМИ ҲОЖИ АЯНИНГ вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Right sidebar containing various notices, advertisements, and contact information for 'O'zbekiston Ovoz'.